



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

Сотувда эркин нархда

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 3 март № 9 (134) •

ТАКЛИФЛАР ИНОБАТГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ҳайъатининг навбатдаги йнгилиши бўлиб ўтди. Уни алоқа вазири К. Р. Раҳимов олиб борди.

Йнгилишда Алоқа вазирлигининг бош мутахассиси Р. А. Асқаров сўзга чиқиб, Вазирлик қарорига биноан М. А. Холмуродова Халқаро тўлов ва шартномалар бошлиғи, В. Г. Бугдагов "Узимлексалоқа" ташқи-савдо фирмаси директори ва М. К. Носирова "Ўзбекистон-маркаси" маркази директори этиб тасдиқланганлигини маълум қилди. Тошкент телеграф телефон станциясининг бошлиғи М. Ш. Зоҳидов сўз олиб, барча ташкилот, цех, муассасаларда давлат тили — Ўзбек тилини ўргатиш машғулотлари йўлга

кўйилганлиги ҳақида маълумот берди.

Ҳайъат вазирлик бўлимининг бошлиғи М. Маҳмудовнинг "Ўзбектелеком" концерни томонидан электр алоқа хизматлари таърифига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги фикрларини тинглади. Концерн томонидан ўзгартрилган тарифда электралоқа хизматчиларининг фаолияти етарли баҳоланмаганлиги, хусусан иш-жозларнинг моддий имкониятлари ҳисобга олинмаганлиги аён бўлди. Маълум бўлишича, ҳозирги кунда электралоқа хизматчилари топаётган даромаднинг асосий қисми корхоналарни такомиллаштириш ва аъло хизмат кўрсатишга, даромаднинг 50 фонзи эса иш ҳақи тўловлари

учун сарф қилинар экан. Ҳайъат "Ўзбектелеком" яна шу масалаларни қайта кўриши ва вазирликка тез кунларда янги таклифлар билан чиқиши ҳақида қарор қабул қилди.

Ҳайъат вазирлик кадрлар бўлимининг Алоқа ташкилотларидаги раҳбар ва мутахассисларни чет эл хизмат сафарига жўнатиш ишлари ҳақидаги маълумотини ҳам тинглади.

Кейинги икки йил ичида бундай сафарларда 176 киши бўлиб, бу сафарлар намуналик ўтганлиги айтилди. Алоқа корхоналари раҳбарлари, мутахассисларини яна чет эл сафарларига юбориш кераклиги ҳақидаги таклифлар ҳам инобатга олинди, қарор қабул қилинди.



Ҳамиша саҳий ва саховатпеша бўлайлик.

Сураткаш: А. ТўРАЕВ.

ДЕВОНХОНА МАЛИКАСИ

(АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ ДЕВОНХОНА БЕКАСИ МАЛИКА ИСМОИЛОВА БИЛАН БОШ МУҲАРРИР ШОДМОН ОТАБЕК СУҲБАТИ)



Ҳар қандай идора-ишхонанинг файзу таровати қабулхоналардаги котибалар, девонхоналардаги беклар ва катта раҳбарларнинг ердэмчиларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Умид-илинж билан келганларни бугдой нони бўлмаса, бугдой сўзи билан кутиб, кўнглини кўтариб, далда берадиганлар ҳам шулар. Элу юрт тақдирига дахлдор катта-кичик янгиликларни илк бор, илк манбадан билиб, овоза қиладиганлар ҳам ана шулар. Афсуски, уларнинг заҳматли меҳнатини кундалик ташвишлар билан андармон бўлиб, ҳамиша ҳам кадрлайвермаймиз.

Девонхона бекаси Маликахонони бу суҳбатга кўндириш осон бўлмади: "Нега энди айнан мен ҳақимда ёзишнинг керак? Бошқалар ҳам бор-ку!"

Йўқ, у шунчаки сохта камтарлик қилаётганди. У табиатан камтар-камсуқум ва энг муҳими — самийий инсон эди. Хуллас, уни гурунгда чорлагунча, Махмуд Саъдий ибораси билан айтганда, бор "маҳоратимни" ишга солишга мажбур бўлдим. Маликахононинг раҳматли отаси, физик олим ва журналист-каламқаш Ҳамдам Кўчқоровни яхши билишим ҳам кўл келди.

— Алоқачилик касбини танилашимда отамнинг таъбири бўлган, албатта, — дея сўз бошлади Маликахоно. — Эсимда, физикадан яхши ўқирдим. Олимпиадаларда ҳам катташганман. Отамнинг укалари — амакиларим ўқимшиди, олим кишилар эди. Мен ана шундай бир муҳитда ўсдим. Отам техникага кизиқишимни истар, уй-ўзғор буюмлари, электр асбобларини тузатишни ўргатар эди. Биз оилада кетма-кет тўрт киз эдик. Отам иенга тўнғич фарзандига хатто машина ҳайдашни ҳам ўргатганлар. Ҳайдовчилик рувохонам бор.

— Ингит кишига... э кечирасиз, киз болага ҳам қилг хунар оз. Ўтмишда хотин-кизилар от миниб, човгон уйнаганлар. П. Қодировнинг "Авлодлар довои" романида ҳам бу воқеа тасвирланган. Хумоюннинг хотини, Акбарнинг онаси — Ҳамда бону аjoyиб чавандоз бўлган.

— Демак, қонимизда бор экан-да.
— Албатта. Узр, мавзудан сал чалғидик...
— Тошкент алоқа институтининг автоматик электр алоқа факультетини 1978 йили битирдим. Кейин пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги АТСда 13 йил муҳандис бўлиб ишладим.

— Шундай аjoyиб мутахассислигингиз бор экан, нега ўз соҳангизда ишлайвермай, мана шу тор хонада, қогозлар ичида "кўмилаб" ўтирибсиз?

— Мени шу ишга таклиф этишди. Йўқ дедим, қолаверса, кимди бу ерда ҳам ишлаши керак-ку! Энди афсусдан аямайман, Бу ердан уйимга катнаш ўнгангай. Кейин, бозор ҳам яқин.

Ҳақат ахен-ахенда ўз соҳамдан, техникадан узоқлашиб қолаётганимдан сал гашланман, холос. Ҳалиям мени тез-тез бошқа жойларда ишлаш учун таклиф этиб туришди.

[Давоми 2-бетда].

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ВОҚЕАЛАР • ЯНГИЛИКЛАР • ХАВАРЛАР

• Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий Комиссиянинг "Ўзбекистон Республикаси Референдуми ўтказилган округларни тузиш тўғрисида" ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиш Кўмиталарининг Раисларини сайлаш тўғрисида"ги қарорлари эълон қилинди. Кўмита раислари таркибида халқимизнинг сеvimли езувчиси ва шoirи Уткир Ҳошимов ва Эркин Воҳидовларнинг борлиги биз матбуотчиларни қувонтирди.

• Ўзбекистон Республикаси ва Хорватия Республикаси ўртасида ўзаро келишув муовифик дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

• Адлия вазирлиги хузуридаги "Адолат" нашриети давлат мустақиллиги шароитида биринчи бор қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси" ва "Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси" китобларини нашр этди.

• Тожикистон алюмин заводи атро-

фида экологик вазиятни яхшилаш соҳасида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида ҳамкорлик қилиш юзасидан ўз йилга мўлжалланган ҳукумат битими тузилди.

• Қозоғистон Республикаси пойтахтида совет ҳукумати даврида сиёсий каттагон қурбони бўлган кишиларнинг биринчи учрашуви бошланди. Учрашув Алматыдаги давлат архивда ўтказилмоқда. Унинг қатнашчилари каттагон ва коллективлаштириш тўғрисидаги зарарга товон олиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этадилар.

• Қирғизистон Президенти матбуот хизмати Республика Россия, Қозоғистон ва Беларусь давлатлари асос солган божхона иттифокига қўшилишини маълум қилди. Айни пайтда иттифокка кирувчи давлатлар билан Қирғизистон ўртасида божхона тўсиқларини бекор қилувчи ҳужжатлар тайёрланмоқда. маҳаллий кузатувчиларнинг фикрича иттифокка аъзо бўлиш Қирғизистон иктисодиётига иjobий таъсир кўрсатади.

• Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб Грузияда хорижга чиқадиган республика фуқаролари учун бериладиган паспорт зирлигини Францияда тайёрланган ана шундай ҳужжатларнинг бир қисми Тбилисига келтирилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

• АКШ Перу ва Эквадор ўртасидаги чегарада рўй берган ихтилофни бартараф этиш борасида тузилган тинчлик ҳақидаги битимни амалга оширишда кўмаклашиш учун ҳарбий кузатувчилар йўллайди. Пентагонда журналистлар билан бўлиб ўтган учрашув чоғида ҳарбий маҳкама расмий вакили шунини маълум қилди.

• Кот-Дивуар (Фил суяги киргоғи) республикасида фуқаролар уруши ҳамон давом этмоқда. Мамлакат Мудофаа вазирлигининг берган маълумотларига кўра, сўнги тўрт йил ичида ҳукумат қўшинлари билан бирлашган инқилоб fronti жангариларининг тўқнашувлари натижасида 9 мингга яқин киши ҳалок бўлган.

ДЕВОНХОНА МАЛИКАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Сир эмас, вазирликка келадиган ва бу ердан юбориладиган қогоз-ҳужжатларнинг ҳаммаси девонхона орқали расмийлаштирилади. Демак, сиз бу ерда бир лаҳза бўлмасангиз иш тўхтаб қоладигандек туюлади. Одамларга керакли эканлигингизни ҳис қилиб ишлаш ҳақли равишда фахр-гурур туйғусини уйғотса керак?..

— Гапингизда жон бор. Ўз меҳнатингдан маънавий қониқиш ҳосил қилиб ишлаганга нима етсин. Шунда ишнинг заҳмати-огирлиги ҳам билинмайди.

— Ишингиз нақадар масъулиятли, тигиз бўлса-да, Сиз ҳамisha хотиржам, саранжом-сариништа кўринасиз...

— Э, сиз ҳали жаҳлим чиққанини кўрмабсиз-да!

— Қандай маҳалда ва нима учун жаҳлингиз чиқади?

— Одамлар сўзининг устидан чиқмаса, масъулиятни унутса, оддий тартиб-интизомга риоя этмаса жаҳлим чиқади. Яқинда вазирлик аппаратидаги ўзим жуда хурмат қиладиган, маданиятли бир ходим негадир таҳлам учун ажратилган газеталарни сўраб олганча қайта олиб келмади. Шунчаки эслатишларим қор қилавермагач, жаҳлим чиқди. Талаб қилдим, танбех бердим, ахирги газеталарни жойига қўйдирмагунча тинчимадим.

— Девонхона давлат тили ҳақидаги қонуннинг қандай бажарилаётганини кўзгудагидек акс эттирадиган жойдир. Айтингни, қатор жиддий танқидлардан кейин бу борада қандай ўзгаришлар бўлди?

— Дадил айтиш мумкинки, бу борада ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Вазирлик раҳбарияти бу масалани махсус назорат қилиб турибди. Бўлимларда ҳужжатлар илжи борича давлат тилида тай-ерланмоқда. Ҳозир вазирликда таржимон йўқ. Бошга тушгандан кейин эгласа бўлар экан. Тўғри, ҳалиям давлат тилини меҳсимайдиган манкуртлар учраб туради. Ҳатто хизмат вазифасига кўра давлат тилини жорий этишга мутасадди-масъул бўлган айрим шахсларнинг ўзлари бу масалага енгилтақлик билан қараётгани кишини ажаблантиради. Улар билан тап тортмай тортишаман, баҳслашаман, тушунтиришга ҳаракат қиламан.

— Демак, Сизга, айти чогда ҳаммамизга кўп нарса боғлиқ экан-да?

— Албатта. Турғунлик йилларида қон-қонимизга сингдирилган лоқайдликдан, манкуртликдан қанча тез халос бўлсак, шунча яхши.

— Тили астойдил ўрганаман деган одам қонунда белгиланган муҳлатни қутиб ўтирмайди. Океан ортидан келган айрим ҳориқликлар беш-олти ойда ўзбек тилини бинойидек ўрганиб олишмоқда. Биздаги баъзи кимсалар эса саккиз йилда ё афанди, ё унинг эшаги ва ёки подшо ўлади қабилида иш тутишмоқда.

— Вазирлигимизда давлат тилини ўрганувчилар учун бепул ўқитиш курслари ташкил этилди. Афсуски, бу ерда русийзабонлар давлат тилини иштиёқ билан ўрганшмоқда дейиш қийин. Йигирма нафар тингловчи ўрнига зўрга тўрт-беш нафар киши қатнамоқда, холос. Мен бу билан русийзабонларнинг ҳаммаси тилимизга бепарқ, лоқайд демоқчи эмасман. Александр Сулов, Геннадий Кувшинов, Людмила Агаркова, Михаил Кожакин, Юрий Снежков каби таниқли мутахассисларимиз ўзбек тилини яхши билишади. Тил билган эса дил билади. Менимча, биз русийзабонлар билан муомала-мулоқотда сабр-тоқатли бўлмоғимиз, айти чогда тил ҳақидаги қонуннинг бажарилишини ҳам унутмаслигимиз лозим.

— Энди, икки оғиз оилангиз ҳақида гапирсангиз.

— Мен ўзимни оилада чинакам бахтлиман дея оламан. Турмуш ўртоғим шаҳардаги 22-23-АТС муҳандиси Собитхон Исмоилов билан мактабда ҳам, институтда ҳам бирга ўқиганмиз. Катта ўғлим алоқа коллежиде таҳсил олмақда. Кейинги фарзандларимнинг ҳам алоқачи бўлишини истайман. Дарвоқе, синглим Наргиза ҳам алоқа вазирлигида хизмат қилади. Кўряпсизки, биз чинакам алоқачилар сулоласимиз.

— Сизга ҳавасим келади, Малика-хон. Келаётган хотин-қизлар байрами билан табриклайман. Жамики зегу орзу тилакларингиз ушласин.

— Ташаккур.



Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолоштириш ишлаб чиқариш бирлашмасининг маълумот-ахборот центри бошлиғи Руфия Ёқубова.

Суратқаш: Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

“Хабар” рўзномасини қизиқиш билан ўқиб келаман. Ўтган йили Шухрат Эшмухамедовнинг “Радиоҳаваскорликни ривожлантириш давр талаби” мақоласи эълон қилинганди. Мақола менда катта таассурот қолдирди.

ИСТАК

Ўзим 15-йилдан буён эфирда турли радиоҳаваскорлар станцияси билан радиоалоқа ўрнатиб келаман. Илгари Москвадан чиқадиغان радиоҳаваскорлар учун мўлжалланган ҳар хил на- шрларга эзлардим. Ҳозир эса биз радиоҳаваскорлар ўрганишимиз учун ўзбекча ада- биётлар кам. Рўзнома саҳифала- риде бу соҳа ҳақида ҳам ҳар хил мавзудаги мақолалар бериб бо- рилса айти мудоао бўларди.

Х. БОҚИЕВ,
Сурхондарё вилояти
Музработ тумани

• Алоқа матбуот кўзгусида

“СЕМИЗ” ЖУРНАЛЛАР ХАВФ ОСТИДА

Россияда икки асрдан буён мунтазам чоп этиб келинаётган анъанавий “семиз” адабий-бадний журналларнинг чиқмай қолиш хавфи бор. Бу ҳақда Россия матбуот кўмитаси раиси Сергей Гризунов оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бош муҳаррирлар билан учрашувда баёнот берди. “Семиз” журналлар дейилганда “Новый мир”, “Знамя”, “Октябрь”, “Иностранная литература”, “Журналист” каби нашрлар назарда тутилмоқда. Агар давлат Думаси алоқа ва ахборот сиёсати Дума Кўмитасининг кўзи ожизлар учун чоп этиладиган нашрлар ва “Российская газе- та”дан ташқари жамики вақтли нашрларни дотациядан маҳрум этиш ҳақидаги таклифини қабул қилса, “ўлим ҳукми” кучга кирди деяверинг. Бу эса бутун Россия матбуоти учун катта зарба бўлади.

Бош муҳаррирлар жамоатчилик фикрига суянган ҳолда мамлакат тақдирига дахлдор матбуот масаласига аралашшини илтимос қилиб, Россия Президенти Борис Ельцинга мурожаат қилишмоқчи.

МУҲАББАТ ИЗҲОРИ ҚИММАТГА ТУШДИ

Ҳаммаси қиз боланинг телефондаги “Хелло” деган ёқимли овозидан бошлан- ди.

Эндигина 14 ешга кирган Саша Днепропетровск шаҳар мактабига қатнай бошлагач, тез орада инглиз тилини тупна-тузук ўрганиб олди. Бир кун у уйда ота-онанинг йўқлигидан фойдаланиб, телефонда дуч келган рақамларни тира бошлади. Каергадир тушади. Нариги ердан қиз боланинг нафис овози эшитил- ди. АКШнинг Гаёна шаҳрида истиқомат қилаётган қиз Сашанинг тенгдоши экан. Шу-шу улар ҳар кун телефон орқали ўзаро шакарғуфторлик қилверишади. Натижала Саша отасини каттагина пулга туширади. 77 миллион карбованецни топиш учун Украинадаги корхонада бир йил ишлаш керак экан.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР, ШУНИНГДЕК ФУҚАРОЛАРГА ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ МАРКАЗИ ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН, ФАКСИМИЛ ВА ТЕЛЕВИЗИОН АЛОҚАЛАР БЎЙИЧА ЎЗ ХИЗМАТИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

Халқаро сўзлашув имкониятига эга бўлишингизда қуйидагилар воситачилик қилиши мумкин:

— автоматик телефон алоқаси,

— Марказий Телеграф биноси, 28-ўйдаги ва Чилонзор туманининг 8-даҳасидаги Катортөл кўчаси 21-ўйда жойлашган “Бахт” меҳмонхонасида очилган умумий сўзлашув пунктлари,

Шу билан бирга Тошкент Халқаро Электр Алоқаси Маркази (ТХЭАМ) махсус ажратилган телефон тармоғи ускунасини уйингизга эки иш жойингизга ҳам ўрнатиб бера олади. Бу тармоқ дуненинг исталган нуқтаси, шунингдек, МДХ ва Республикаимиз абонеитлари билан сунъий йўлдош орқали юқори сифатли телефон алоқасини таъминлайди. Ушбу телефон тармоғи мижозлари халқаро фазовий алоқа станциясига бевосита улаишлари туфайли юқори сифатли сўзлашув имкониятига эга бўладилар. Агар сизнинг ташкилотингиз факсимил аппаратига эга бўлса, ТХЭАМ бу ускунани ўрнатиши, қайд этиши ва ундан фойдаланиши билан боғлиқ бўлган барча хизматларни ўз зиммасига олади.

ТХЭАМ бу ҳолатда халқаро телефаксининг телефончиси орқали алоқа узатилишини таъминлайди. Бундан ташқари, факсимил хабарларини сиз ТХЭАМнинг умумий тасарруфидаги пункти орқали узатишингиз эки қабул қилиб олишингиз мумкин.

Шунингдек, мижозлар учун халқаро телефон эки маълумотлар узатиш каналларини ижарага олиш имконияти ҳам мавжуд.

Халқаро алоқанинг таъминлиниши билан боғлиқ масала- лар юзасидан қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Факсимил ускуналарни ўрнатиш ва ишлаши — 44-23-09.

Махсус ажратилган телефон тармоғи — 44-22-67.

Телевизион алоқа, каналлар ижараси бўйича — 44-22-67.

ТХЭАМ бошлиғининг қабулхонаси — 44-37-55.

Марказ қуйидаги манзилда жойлашган:

700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-ўй.

Телефон: 44-37-55, факс: 44-26-03, телекс: 116108 РТВ.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ МАРКАЗИ

Ҳалима АҲМЕДОВА:

“ОРЗУ ҚАДАҲЛАРИ СИНМАСИН“

(Шоира билан суҳбат)

—Ҳалима опа, суҳбатимизни ўзимизга яқин кишлоқ ва кишлоқ одамлари ҳақида бошласак.

—Бир сўз билан айтганда, кишлоқ менинг мангу соғинчим. Ўзим туғилиб ўсган Ванғози бобо кишлоғимга жуда кам бораман. Болалиқда эшитган эртакларим—Зарафшон даресидаги сув парилари,чангалзордаги ажиналар мени ҳар кун чақиради. Вужуд нима бу руҳнинг олдида? Билмадим, бир кунги ўша юлғунзорлар бағрига бутунлай қайтарман.

Кишлоқдошларим—менинг сизилар судраб кетган болалигимдир. Мен уларни соғинаман, яхши кўраман. Қадрдон намозгарларда, езнинг окшомларида саргинлар дудига тўлган болалик кишлоғимнинг хидини соғинаман. Ҳар гал кишлоққа борганимда боболаримнинг қабри бошига бориб, узок ўтириб қайтаман. Шунда дарахтдай ўсиб бораётган мазорни кўриб юрагим уприлиб кетади. Мен таниган жуда кўп дийдорлардан бенасиб бўлаётганими сезиб қоламан. Атрофимда мен таниган, танимаган қабрлар, қабрчалар. Булар ҳам менинг кишлоқдошларим, жи-гарбандларим.

Ҳозир жиндеккина фурсатдан фойдаланиб, устозларим Ҳалима опага, Очилой опаларга ўқувчилик йилларимдан юрагимнинг энг чуқур жойида қолган муаззам соғинчимни етказмоқчиман.

—Юртдан олис мусофирчиликда юриб, нималарни йўқотиб, нималарни кашф қилдингиз?

—Назаримда, соддаликни йўқотдим. Қайтиб-қайтиб юрагимда қотиб қолган елғизликнинг кўзларини кашф этдим.

—Кўз тегмасин, ёшлар шеърятини майдонидан катта обрўга эгасиз. Сизнинг назарингизда аёл нима учун шеър ёзади?

—Аёл, аёл бўлгани учун шеър ёзади.

—Армон аёлнинг дардими?

—Армон— аёлнинг бахти.

—Бугун нималарни кўпроқ соғинасиз?

Қандай ишлар билан машғулсиз?

—Ҳозир уйдаман. Бола боқаяпман. Фақат онамни соғиниб яшаяпман.

—Шеърларингизда муҳаббатнинг минг кифоиси акс этган. Муҳаббат ҳақида фикрингиз.

—Жонга теккан савол. Келинг, юракка тегмасин, шу ҳақда гаплашмайлик.

—Юлдуз Усмонова ижро этган шеърларингиз юр-сика яқин кўшиқлар. У киши билан ижодий ҳамкорликда бўлиб турасизми?

—Юлдузнинг овози—бу жунун. У менинг шеъримни айтадими, бошқасиникини айтадими— фарқи йўқ. Унинг овозини ҳурмат қиламан. Биласизми, Юлдуз кўшиқ айтаётганда, унинг овозини кўраман, гўе унда тирик жон рақс ташаётганга ўхшайди, ижодий ҳамкорлик деган нарсасига эса унчалик тушунмайман.

—Янги шеърларингиздан ўқиб берсангиз.

Кўз ёш каби силқиллайди жон,

Қорачиқда уфқлар инди.

Осил, шафақ дорига дилим,

Бухорога қайтамин энди.

Қуриётган оғоч барғидай,

Тўқилмоқда кафтимда дуне.

Минораларнинг мангу сиридай

Бизни кияр нуқравош нидо.

Лайлақларнинг оппоқ тўшида

Орзуларнинг қадаҳи синди.

Сен синмагин лайлақвош дилим

Бухорога қайтамин энди.

Саборқунли кечалар дардин,

Эмиб бўлди ғамгин парвона

Бухоронинг қалби қалққан

Кўзларингга қайтамин она

Кўз ёш каби силқиллайди жон

Қорачиқда уфқлар инди

Осил шафақ дорига дилим.

Бухорога қайтамин энди.

Суҳбатдош Лайло КАРИМОВА



Жамики гуллардан мен кизгонаман
Гуллар теграсида айланганим чок...

ЕМАЙДИ, ИЧМАЙДИ, АММО СОППА-СОҒ

Бразилиянинг қурғоқчил гўшасида яшовчи Лау исмли бир одамга дўхтирлар мана 40 йилдан буён ташхис қўя олмаяпти. Гап шундаки, 76 ёшли бу болалиқидан буён емайди, ичмайди, аммо шунга қарамай соппа-соғдир.

Узоқ умри мобайнида у икки марта уйланган, 23 нафар фарзанд кўрган, деярли ҳеч қачон касал бўлмаган. Лаунинг

иккинчи хотини наҳорда сутли шарбат ичишга мажбур қилади. Шундан кейин у деярли ичмайди, фақат яна хотинининг қистови билан бир қадаҳ қора кофе ичди, холос.

Яқинда Лауни яхшилаб текшириб кўриш учун Рио-де-Жанейрога таклиф этишди.

• Ажаб дунё

• Назм

дафтаридан

Наргиза АЛИХОНОВА

ОҚ КАПАЛАК

Сени кизгонаман, капалак, ишон,
Жамики гуллардан мен кизгонаман.
Гуллар теграсида айланганим чок,
Қалб уртаниб, мисли оташ, енаман.

Ачинаман. Сента мушқулдир бирам,
Жуда узоқ яшар хаттоки кўзгун.
Сен эса покиза қалбли бўлсанг ҳам,
Ажабким бор-йўғи яшайсан бир кун.

Йўқ!!! Сента чин дилдан қиламан ҳавас,
Гулдан бўса олсам севинчга тўлиб,
Шумният кўзгундек узоқ йил эмас,
Ох, бир кун яшасам сендек пок бўлиб.

ЗАМИН

Муштипар онадай кучоғи кенгдир,
Жонларни аллалаб хаёл суради.
Яхши-ю, емонга зийнати тенгдир,
Барини кафтида тутиб туради.

Аслида ҳар недан муқаддас экан,
“Замин” деб аталмиш шу майин тупроқ.
Чунки у бахтиёр, гўзал ҳаётдан
Баҳра олади истакдан кўпроқ.

ТУНДА

Ярим тун, заминда сукунат хоким,
Мени олисларга етаклар хаёл.
Кун бўйи шодликка улфат бўлгандин,
Энди қалбимни ғам айлади ишғол.

Юракни ўртайдди аллақандай сир,
Нечундир атроф ҳам ўхшар юлгунга.
Барчасин боғси аслида шудир —
Ахир кискариюкда умрим бир кунга.

ХАНДАЛАР

- Ҳўжайин, - деди ходим, - менга-ку барибир, аммо хотиним маошим-ни оширишингизни сўраб ҳеч қўймайяпти.

- Яхши, яхши... Уйга борганда шундай қилиш мумкинми деб хотинимдан сўраб кўрай-чи!

Икки дўгона учрашиб қолди. Улардан бири эрининг кўп ичишидан нолиди.

- Меники ичмайди ҳисоб. Ҳаммомга тушганда еки байрамларда озгина ичишини айтмасан...

Худди шу лаҳза эри келиб қолади:

- Дарвоқе, бугун қандай байрам?

- Нималар деясан? Ҳеч қандай байрам-пайрам йўқ!

- Э, шундайми? Ундай бўлса тезда ички кийимларини тайёрлаб қўй, ҳаммомга тушаман!

Қоқ ярим тунда эшик кўнғироғи жиринглайди. Эр эшикни очиб, остонада ниқоб кийган кишини кўради.

- Мен аёлларни бўғиб ўлдириш бўйича мутахассисман, - дейди ниқобли киши.

Эр орқасига ўгирилиб, хитоб қилади:

- Азизам, сени йўқлаб келишибди!

- Қани, Шавкат, “Отам мажлисида қолди” деган гапни таҳлил қилчи!

- деди муаллима.

- “Отам” - гапнинг эгаси, “қолди” - кесими, “мажлисида” - бу баҳона!

- Ҳалиям турмушга чиқмадингми, дўгонажон?

- Йўқ! Мен уззу-кун уйда ўтириб, жумала-мулоқотни жойига қўйдим, қўшиқ айтиб, рақса ҳам туша оладиган одамни қидиряпман.

- Ундай бўлса яхши телевизор сотиб ола қолгин.

МУАССИС: Ўзбекистон
Республикаси Алоқа
Вазирлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО

Рустам СОБИТ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон
ХўЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ
ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Бўриной АҲМЕДОВ
Билал АМИНОВ

Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Меҳмонкул
ИСЛОМКУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОННИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлзмаляр [2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим] ва суратлар муаллифларга қайтарибмайди. Мақолапардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулиятни муаллифлар эгасигададир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0129. 12697 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ “ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБ АА
КОМПАНИЯСИ БАСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА, 6

ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Яшларга эргашиб".
18.45 "Аралаш" Ҳажвий киножурнал.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Ислохот ва масъулият".
19.40 "Сен бахорни соғинмадингми?" Мусикий композиция.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Бевоҳита мулоқот.
22.00 Абдулла Қодирӣ. "Меҳробдан чаён". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри спектаклининг телепремьери.
24.00 — 00.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Кўзумчоқ".
19.00 "Дехон қиммати".
19.30 "Кайфият".
20.10 "Экология ва ҳаёт".
20.50 "Само остидаги юлдузлар".
21.30 "Бу бўстон аро...".
22.00 — 23.40 "Соқов ва муҳаббат". Бадий фильм.

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Ўзбекистон ботаника боғи". Телефильм.
20.10 "Булоқлар кўз оғанда".

"ОМАД" таништиради:

20.30 "Совга".
21.00 "4/8". Мусикий кўрсатуви.
21.15 Жаҳон географияси.
22.05 Эълонлар.
22.10 Видео — "О".
23.55 "Курьер".
00.15 "...яна об-ҳаво ҳақида..."
00.25 "Постфактум".
00.35 — 00.55 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Лабиринт".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериял олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Спорт уик-энди".
21.55 — 22.50 "Сизга аталган учрашув". Л. Смирнова.

СЕШАНБА, 7

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 Буюк Галабининг 50 йиллигига. "Қирк биринчи йил олмалари". Бадий фильм.
10.20 "Баҳор лавҳалари". Манзарали фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. География.
11.00 Немис тили.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисобlash техникаси асослари.
12.00 Болалар учун. "Кичкинтоймиз — пажитқоғамиз".
12.40 "Онага тазим". Мусикий кўрсатуви.
13.15 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
13.50 — 14.20 "Тилга эътибор...".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Турфа хангоналари".
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Аёл қалби наволари". Мусикий кўрсатуви.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Халқаро хотин-қизлар кўни — 8 Мартга бағишланган тантанали йилгилик ва концерт. "Туркистон" саройдан олиб кўрсатилади.
23.00 — 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультикарусель".
18.55 "Жаҳон ҳайвонот боғлари".
19.15 Янгиликлар.
19.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".

19.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.05 Видеоид.
20.25 "Теле — ателье — шоу".
20.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.15 "Киноногоҳ".
22.55 — 23.15 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

ЎЗТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Дурларши" телекомпаниясининг кўрсатуви.
20.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
21.15 "Калбим кўри".
21.55 "Манбалар".
22.35 "Қашфийотлар ва ихтиролар".
23.15 — 23.25 "Би-Би-Си" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Санъат қасри".
18.25 "СБ" жумбоғи.
18.35 "Ҳужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериял.
19.55 "Мазув".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Илк мандабанд".
21.50 — 22.20 "Тол".

ЧОРШАНБА, 8

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КўНИ
ЎЗТВ I
7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Тангалик болалар". Бадий фильм.
10.20 "Кичкинтой" студияси. "Онажоним — жонажоним".
10.50 "Баҳор мушоираси". Адабий кўрсатуви.
11.30 Эстрада калейдоскопи.
12.15 "Ёшлик" студияси. "Ҷафат Сиз билан".
13.15 "Тул кўп, чаман кўп".
13.45 — 15.45 "Паранжи сирлари". Абдор Хидоят номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг спектакли.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Гулгунчалар".
18.25 "Ишбилармон".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Спортмиз маликалари".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Биз, эркаклар, хизматда". Байрам дам олиш дастури.
22.30 "Суюнчи". Бадий фильм.
23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
10.00 — 13.00 "Аёллар, Сизлар учун!"
18.30 "Даниял". Мультифильм.
18.55 "Акс-садо".
19.25 "02" тулкинда.
19.50 "Едингдами, дўстим...".
20.05 "Тошкент оқшомиди".
21.05 "Фильмлар ва тақдирлар". Кино кўрсатуви (рус тилида).
21.50 — 22.20 "Коллекция".

ЎЗТВ III ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Заречная кўчасида баҳор". Бадий фильм.
21.25 — 00.25 "Омад" таништиради: "Қитъа спортни".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.05 "Ҳаётимсан, театр!". "Ромэн" театрида Н. Сличенконинг юбилей кечаси.
18.30 "Тигиз пайт".
19.00 Пьер Ришар "Қора ботаникаки новча киши" бадий фильмида (Франция, 1972 й.).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Монолол".
21.50 "Қиш билан хайрашув". Мусикий кўрсатуви.
22.45 — 23.30 "Кино юлдузлари". Жан-Поль Бельмондо.

ПАЙШАНБА, 9

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Робинзон Крузонинг ҳаёти ва

ажойиб саргузаштлари". Бадий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
11.00 "Фармон ва яқро".
11.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
12.00 "Хукукингизни биласизми?"
12.20 "Ёшлар билан юзма-юз".
12.50 — 14.50 "Синов даври". Видео-канал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Фан уфклари".
18.35 "Қария". Ҳужжатли фильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Осийшталик посбонлари". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
19.40 Қодир Журакулов куйлайди.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Юрт ҳақида қўшиқ". Публицистик кўрсатуви.
21.45 "Нолирабериш". Бадий фильм.
23.10 — 23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Омад" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жозиба".
18.55 "Бир шингил хангома".
19.05 "Ишингиз бароридан келсин!".
19.20 "Муҳаббатта ошно қалбим".
19.40 "Теле — ателье — шоу".
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 Янгиликлар.
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 "Киноногоҳ".
22.45 — 23.05 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Безиен мирас" (татар тилида).
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
21.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
21.40 "Дурларши" телекомпаниясининг кўрсатуви.
22.40 — 23.10 "Кўнглик қўприқлари".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
18.00 Фигуралӣ учиш. Жаҳон чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Ихтиерий программа. Англиядан кўрсатилади.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Лун-Жан Люмер.
19.55 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 Фигуралӣ учиш. Жаҳон чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Ихтиерий программа. Англиядан кўрсатилади.
20.20 "Москва, Кремль".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 — 23.20 Кино асри. Тенрих VIIIнинг шахсий ҳаёти. Бадий фильм (Буюк Британия, 1933 й.).

ЖУМА, 10

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Махтумқули". Бадий фильм.
10.25 "Қафолат".
10.55 "Ёшлик" студияси. "Ғазалхон ешлғим".
11.35 "Ўзингиз эр билсанг...".
12.15 — 14.15 "Ёшлик" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Турон тулпорлари". Спорт кўрсатуви.
18.25 "Қашф этилаётган имкониятлар".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Хилол" студияси. "Авто плос...".
19.40 Самарқанд вилоят филармонияси артистларининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Шаҳар беларвоза эмас...".
21.45 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. "Яна Фармонбиди ҳонадонда".
22.30 "Муҳаббат можароси". Бадий фильм.
23.50 — 00.15 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎЗТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Спорт — тайм" видеоканали:
— "Соккор-клуб".
— "Лидер".
— "Арт-спорт".
— "Юнор".

21.10 — 22.50 "Кинематограф".
ЎЗТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Ёшлик" студияси. "Талабалар саҳнасида".
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.

"ОМАД" таништиради:

21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.30 "Панорама".
22.00 "Компьютер—Осиё".
22.30 Эълонлар.
22.35 "Кимга қанақа?".
23.15 "Даракчи".
23.25 Эълонлар.
23.30 Видео — "О".
01.00 — 01.30 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
18.00 "Сизга қўшиқ куйлаб бераман".
18.20 "Инсон ва қонун".
18.50 Янгиликлар.
19.00 Мультифильм.
19.10 "Серпантин". М. Захаровнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.50 "Муъжизалар майдон".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 — 22.45 "Детективлар клубида". "Махшур детективлар". Телевизион бадий фильм. 3-фильм — "Туртовоннинг белгиси" (Франция, Швейцария, Германия).

ШАНБА, II

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Сиздан угина, биздан бутгина". Бадий фильм.
10.25 "Актёрлар ва роллар". Тожибой Норматов.
11.25 Нодира Султонова куйлайди.
11.55 Усмирлар учун. "Улғайиш логонлари".
12.25 "Ёшлик" студияси.
13.05 — 15.05 "Тимсон" видеоканали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўзбек мультфильлиқасининг 30 йиллигига. "Кичкинтойларнинг севимли саройи".
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. "Дилдан куйлаб, уйна қувнаб...".
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилик ансамблининг концерти.
20.00 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Назм ва наво". Фурқат лирикаси.
21.50 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
22.00 "Тунги егду". Дам олиш кинодастури.

ЎЗТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультикарусель".
9.25 "Жаҳон ҳайвонот боғлари".
9.45 Янгиликлар.
9.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.10 Видеоид.
10.55 "Теле — ателье — шоу".
11.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.45 "Киноногоҳ".
13.25 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").
13.45 — 18.30 "Спорт қитъаси".

ЎЗТВ III

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Учқун".
19.00 "Билиб қўйган яқши".
19.25 "Хуқуқ химоячилари".
19.55 — 21.35 "Кинематограф".
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 "Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик".
11.00 "Мюзик-холл".
11.30 — 12.00 "Тадбиркорлик мактаби".

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Ёшлик" студияси. "Тул ва ...".
20.35 "Интердиалог".
21.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
21.35 "Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда".
22.05 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.15 "Бу ажиб дунё".
22.35 "Ўзбекистон чет элдиклар нигоҳида".

23.05 — 23.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 "Брэйв ринг".
18.50 "Улкан сайера".
19.45 "Бешинчи бурчак". Телесериял.
5-серия (АҚШ, Колумбия пикчерси).
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.45 — 22.45 "Қаён ва Авел". Теле-сериял.
5-серия (АҚШ, Колумбия пикчерси).

ЯКШАНБА, 12

ЎЗТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 "Кувнок стартлар".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 ЎЗТВ хазинасидан. Э. Усмонов. "Кўриқхонада". Телеспектакль.
12.00 "Цирк! Цирк! Цирк!".
12.55 "Кўнглик мулки". Х. Х. Ниезий.
13.30 — 15.30 "Санъат сеҳри". Видео-канал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Усмирлар учун. "Еттига етти". Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Ойнал жаҳонда...".
19.55 Киноконцерт.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 "Якшанба оқшомиди". Мусикий дам олиш дастури.
21.55 "Армон". Бадий фильм ("Ўзбекфильм").
23.15 — 23.45 "Ҳафтанома".

ЎЗТВ II

"Омад" таништиради:
10.00 "Омад" тақвими.
10.05 Жоанба.
10.25 "Бир шингил хангома".
10.35 "Ишингиз бароридан келсин!".
10.50 "Муҳаббатта ошноқалблар".
11.10 "Теле — ателье — шоу".
11.20 Видео янгиликлари.
11.45 Янгиликлар.
11.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.35 "Киноногоҳ".
14.15 — 14.35 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").

17.00 "Совга".
17.30 "4/8". Мусикий кўрсатуви.
17.45 Жаҳон географияси.
18.35 Эълонлар.
18.40 Видео — "О".
20.20 Эълонлар.
20.25 "Курьер".
20.45 "...яна об-ҳаво ҳақида".
20.55 "Постфактум".
21.05 "Жаҳон янгиликлари" ("Эй-Би-Си").
21.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.35 "Панорама".
22.05 "Салом, ёшлар!".
22.45 "Даракчи".
22.55 Эълонлар.
23.00 — 00.40 Видео — "О".

ЎЗТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Мультифильм.
9.40 "Жонли сайера".
10.00 "Коллекция".
10.20 "Менинг кучам".
10.35 "Олтин атирғул" гори. Кўп серияли телевизион бадий фильм (Италия). 7-қисм (рус тилида).
11.25 "Маски-шоу".
11.40 "Кинематограф".
13.20 — 13.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
19.40 "Қашф этилаётган имкониятлар".
20.05 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.30 "Дурларши" телекомпаниясининг кўрсатуви.
21.30 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.40 "Дунё эшиги".
22.20 "Бу ажиб дунё".
22.40 Чет эл астрадаси.
23.10 — 23.20 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.05 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.15 Мультифильм.
18.25 "Мультижум". Телевизион ҳужжатли фильм.
18.35 Э. Шаврина куйлайди.
19.40 "Бугун Россия". Кичик шаҳарлар. Калуга.
20.25 Пьер Ришар "Новча малласоч қишнинг қайтиши" бадий фильмида (Франция, 1974 й.).
22.00 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.
22.55 — 23.15 "Бомонд".

["Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" теледастуридан олинди].



ХАВАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

Сотувда эркин нархда

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1995 йил, 10 март № 10 (135) •

КИЧИКЛАР КАТТАЛАРДАН ИБРАТ ОЛАДИ

Мутахассислар фикрига кўра, алоқа воситаларининг ривожланиши мамлакатнинг дунё миқосида тутган ўрнини белгилар экан. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатлари алоқа соҳасига борган сайин кўпроқ маблаглар ажратаётганига ажабланмаслик керак. Чунончи, 1993 йили барча ривожланган мамлакатлар томонидан алоқа тизимини ривожлантириш учун қилинган харажатларнинг учдан бири қисми Хитой давлатига тўғри келган. Бу эса келгуси асримизда Хитойнинг дунёдаги энг ривожланган мамлакатга айланишидан далолат берувчи омиллардан биридир.

Жаҳон иқтисодий тараққиётидаги бу йўналишдан уздабурон тadbиркорлар тегишли хулоса чиқарадилар. Шунинг учун ҳам алоқа воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг асосий қисми ривожланган мамлакатларда жойлашган.

Юқоридаги фикр бизнинг корхоналарга ҳам тегишлидир. Алоқа воситаларидан унумли фойдаланувчи муассасалар янги давримиз пешқадамларига айланишларига шак-шубҳа йўқ.

Алоқа техникаси бозорига ҳозир турли-туман таклифлар ва янгиликлар олиб чиқилмоқда. Шундай янгиликлардан бири — уяли телефон ҳисобланади. У энг қулай алоқа воситаси бўлиб, кўпгина хизмат турларини бажара олади. Тошкентда 1904 йили Германиянинг "Сименс" фирмаси иштирокида қурилган биринчи станциядан орадан 90 йил ўтиб, ном-нишон ҳам қолмабди. Илгарилари техника ҳар 25-30 йилда янгиланган бўлса, ҳозир бу муддат 2-3 баробарга қисқармоқда. Айни пайтда Тошкентда рақамли электрон алоқа воситаларини ўрнатиш учун кўплаб АТСлар янгиланмоқда.

Текширишлар кўрсатишича, битта телефоннинг бир иш кунига бандлик вақти иш кунининг чорак қисмини эгалар экан. Одатда, кўпчиликнинг телефондан фойдаланиш вақти кўпроқ куннинг маълум даврига тўғри келади. Шу



Суратда: "09" хизматининг бир гуруҳ ходимлари янги АЙ-БИ-ЭМ компютерида иш олиб боришмоқда.

Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

пайтларда алоқачиларнинг иши анча оғирлашади. Ўз вақтида телефон қилолмаган миқозларнинг аҳволини тушуниш қийин эмас.

Бу масалани ҳал қилишнинг энг асосий усулидан бири офис телефонлари тизимини жорий қилишдир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон алоқа тизими техниканинг ана шундай хилма-хил турлари билан бойимокда. Масаланинг нозик томони шундаки, аксар ҳолларда давлат корхоналари қафолатига эга бўлмаган йўллар орқали ҳам алоқа соҳаси маҳсулотлари келиб тушмоқда. Бунинг устига уларнинг нархи ҳам анча қимматдир.

Шунинг учун ҳам бозорда таклиф қилинаётган алоқа воситаларини танлаш мураккаблашмоқда. Шундай қийин вазиятда Германиянинг "Сименс" фирмаси маҳсулотларини Ўзбекистонда сотиш учун "Мадад" фирмаси харидорларга ерданга келмоқда. Ўзининг сифатли амалий хизмати билан маэкур корхона ҳозирнинг ўзидаёқ хизмат мақсадларида қўлланувчи кичик ва қулай телефон станцияларини корхоналарга етказиб бериб, миқозлар ҳамда ташкилотлар ишончини қозонмоқда.

Кичик идора АТСларини жорий

қилиш иқтисодий жиҳатдан ҳам кўп фойдали. Экспертларнинг ҳисоблашича, ташки телефон алоқасининг йўқлиги корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулот миқдорининг 15-20 фоизга камайиши билан баробардир. Вазиятдан чиқишнинг энг яхши йўли — кичик АТСлар хизматидан фойдаланишдир. Албатта, шаҳар телефонларидан фойдаланиш ҳам мумкин, бироқ уни ўрнатиш иқтисодий жиҳатдан қимматга тушади. Агар кичик АТСлар шаҳар телефон тармоқларига уланса, нур устига аъло нур бўлади. Замонавий кичик АТСларнинг имкониятлари кенг бўлгани боис ҳам ушбу телефон хизматидан фойдаланиш янада юқори самара беради. Хусусан, ички алоқани амалга ошириш, ташки алоқа имконияти, суҳбат пайтида маълумотлар олиш, факс алоқаси, суҳбат почтаси каби-лар корхоналар ва одамлар оғирини енгил қилади.

К. АЛИЕВ

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Германиянинг "Йеноптик ГМБХ" фирмаси бошқаруви раиси доктор Лотар Шпэт раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

• Молдова Республикасининг Ўзбекистондаги факултода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Николай Дудзу давлатимиз раҳбари Ислам Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

• Республика Президентини Фармони билан аеллардан бир гуруҳи мамлакатимизнинг фахрий унвонлари билан мукофотланди. Мукофотланганлар орасида Арнасой тумани алоқа тармоғининг телефончиси Рашида Ёдгорова ва Комсомолобод туманидаги "Оқ олтин" электр алоқа тармоғининг телефончиси Робияхон Хаитоваларнинг борлиги бизни қувонтирди.

• Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий Комиссиясининг навбатдаги мажлисида Референдумни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифалар кўриб чиқилди.

• Наврўз байрамига тайергарлик кўриш ва уни

ОЛАМДА НИМА ГАП?

- Воқеалар
- Янгиликлар
- Хабарлар

ўтказиш республика ташкилий кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу мажлисда Наврўз байрамига тайергарлик кўриш масалалари муҳокама этилди.

• Арманистон зиёлилари Президент Левон Тер-Петросянга 9-Майни яна Ғалаба байрами кунини сифатида тиклашни сураб мурожаат қилдилар. Улар арман халқи ҳам фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшганилиги учун бу сана умумхалқ байрами сифатида ишониланиши зарурлигини таъкидладилар.

• Беларусда ҳам 1 мартдан эътиборан энг кам иш ҳақи миқдори икки бараварга оширилди. Шунга қарамадан бу энг кам иш ҳақи аҳоли кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган сарф-харажатларнинг аттиги бешдан бир қисмини қоплашга етди.

• Украина Бош вазири В. Масол истаёфга чиқди. Унинг вазифасини бажариш Бош вазирининг биринчи ўринбосари эвмисага юклатилди.

• Франция АҚШдан мамлакатдаги беш нафар америкаликларни, шу жумладан, тўрт дипломатни қаҳриб олишни талаб қилди. Ички ишлар вазирлигида айтишларича, улар иқтисодий жосусликдагина эмас, сиёсий разведкада ҳам қатнашганлар.

• БМТ собиқ Югославиядаги тинчликни сақлайдиган кучларини олиб чиқиб кетиш кўзда тутилган сабабли бу ишда НАТОдан ёрдам беришни илтимос қилди.

• Кипр Республикаси пойтахтининг муниципалитети шаҳарнинг номини ўзгартриш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди. Энди пойтахт Никосия эмас, Лефкосия деб аталади.

УЯЛИ ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ

Тошкентдаги "Ўздунробита" кўшма корхонасидаги уяли телефон тармоғи дунёда ягона ҳисобланади. Чунки унда алоқа қилиш учун энг узун антенна телеминиорага ўрнатилган бўлиб, унинг узунлиги 200 метрдир. Алоқачи мутахассисларнинг фикрича, бу янгилик Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олиши мумкин экан.

ИШЛАР ОСОНЛАШМОҚДА

Жумҳуриятимиз бозор иқтисодиётига тобора чуқурроқ кириб бораётган бир шароитда касаба уюмлари меҳнаткашларни ҳимоя қилиш йўлларини қидиришяпти. Айниқса, ҳозирги кунда меҳнаткашлар касаба уюмларининг кўмагига эҳтиёж сезаётгани яққол намоён бўлмоқда. Хўш, бу борада Ўзбекистон Республикаси Алоқа ходимлари касаба уюмлари Марказий Кўмитаси қандай ишларни амалга оширяпти? Бу хусусда Марказий Кўмита раиси Тоҳир Назаржонов қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Кўмитамиз сафида 60 мингдан зиёд касаба уюшма аъзоси бор. Ҳисобот даврида бошланғич ташкилотлар сония 201 тага кўпайди ва бугунги кунда 553 тани ташкил этади.

Алоқа ходимлари касаба уюшмаси республика тармоқ бирлашмаси тизимида ўзгариш бўлди. Энди вилоятлардаги касаба уюшмалари кўмиталари базасида бирлашган касаба уюшмалари кўмиталари тузилди. Бу икки босқичли тизимнинг анчагина қулайлик томонлари бор. Биринчидан, Марказий Кўмитанинг бошланғич ташкилотлар билан ишлаши осонлашади ҳамда муаммоларни зудлик билан кўриб чиқиш имкони тугилади. Шу билан бирга касаба уюшмаси маблаг тежаллади.

Тармоқ касаба уюшмалари фаолиятида битимлар асосий роль ўйнайди. Ҳар йили Алоқа вазирлиги ва вазирликдаги учта конферанс билан ижтимоий ҳамкорлик асосида битимлар тузиб келинади. Шу боис ҳам тармоқда қатор ҳаётий масалаларни ҳал этишга эришилмоқда. Масалан, кейинги йигирма йил ичида алоқачиларнинг иш ҳақи республикадаги ўртача иш ҳақидан паст эди. Фақат 1991 йилга келиб иш ҳақи ўртача даражага етказилиб, ушбу тафовутга барҳам берилди. Утган йили эса бу кўрсаткич республикадагидан 30 фоиз юқори бўлди.

Жамоа шартномалари ва битимлари афзаллигини сезган ҳолда ўтган йилдан бошлаб жойларда туман, шаҳар алоқа боғламалари ва вилоят давлат алоқа корхоналари билан биргаликда бирлашган касаба уюшмалари тузишни жорий қилдик. Бу айниқса, кам фойда оладиган туман, шаҳар алоқа боғламалари ишчи-хизматчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда, ижтимоий имтиёзлар беришда жуда кўл келмоқда.

Битимлар орқали иш ҳақини ошириш, корхона ихтиёрида қоладиган фойдадан ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун етарли маблаг ажратилишига эришиш яқин орада ҳал этиладиган масалалардан биридир.

Марказий Кўмитамизнинг жойларда олиб борган тушунтириш ишлари натижасида вилоятлардаги касаба уюшмаси маблагларининг қирқ фоизини бир жойга тўлашга муваффақ бўлдик. Келгусида бу ишни яна давом эттириш ниятимиз бор. Бундан мақсад касаба уюшма фаоллари учун методик қўлланмаларни нашр этиш, ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг сифатини оширишга эришишдир.

Касаба уюшмамиз фаолиятини кенгайтириш режаларини тузаямиз. Келгусида хорижий давлатлардаги ҳамкасбларимиз ишларини ҳам ўрганаймиз. Ўтган йили Австрия, Туркия ва Россия каби давлатларнинг касаба уюшма вакилларини қабул қилдик. Ўз навбатида бизнинг вакилларимиз ҳам Австрия, Туркия, Англияда бўлиб, у ердаги касаба уюшмаси фаолияти билан танишишди. Жумладан, бир гуруҳ вакилларимиз Туркиядаги Алоқа ходимлари касаба уюшмаси "Хабар — Иш" ўқув марказида ўқиб келишди. Шундай қилиб, тармоқ касаба уюшмамиз хорижий давлатлардаги ўз касбдошлари билан ҳамкорликни давом эттирмоқда. Айни пайтда Марказий Кўмитамиз алоқачиларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг барча чора-тадбирларини кўришяпти.

Сухбатни Иззат АХМЕДОВ
ёзиб олди



Куну-тун хизмат қиладиган бу антенна космосга тўғрилган бўлиб, кучли узатиш ва қабул қилиш имконига эга.

Суратқаш
Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

• Галабанинг 50 йиллиги олдиан

ФРОНТЧИ АЛОҚАЧИЛАР

Иккинчи жаҳон уруши тамоми бўлганига ҳам қарийб 50 йил бўлди. Унда эришилган оламшумул галаба миллионлаб инсонлар қалбига ўчмас из қолдирди.

1950-1960 йилларда Алоқа вазирлиги девонида И. П. Бичков, И. С. Шварц, Т. И. Гриб, Л. Г. Зонненберг ва бошқа кўплаб уруш қатнашчилари ишлашган. Улар жангларда омон қолган собиқ ҳарбий бошлиқлар эди. Юқори унвонлари бўлишига қарамай, улар девонда оддий ишларда ишлаб, Ўзбекистон алоқаси тараққиети учун ҳалол хизмат қилдилар. Иш ниҳоятда кўп эди. Собиқ жангчилар ишда ҳар доим ўзларининг ҳалол меҳнатлари, тўғри сўзлари, тартиб-интизоми билан бошқаларга ўрнак бўлдилар. Афсуски, уларнинг ҳаммасига ҳам Галабанинг 50 йиллигини кўриш насиб этмади. Бирок уларнинг Галабага қўшган ҳиссаси бебаҳодир. Вазирлик жамоасида собиқ алоқачиларнинг ўз ўрни, нуфузи баланд эди. Ишлаб чиқаришда муҳим давлат топшириқлари уларга ишониб топширилди.

Алоқа вазирлиги девонида ишлаб кетган А. С. Беланский, П. П. Чирва, В. М. Шарер, А. Ф. Косинов, П. П. Дегтярев, И. Я. Тороповларнинг уруш ҳақидаги хикоялари улар билан ишлаганларнинг ҳали-ҳали ёдида. Ҳозир у давр ҳаётини эслаш

жуда ўринлидир. Собиқ жангчиларнинг урушдан кейин алоқа корхоналаридаги фидоқорона меҳнатлари ҳеч унутилмасдир.

Оғир йиллар эди. Яшаш ҳам осон эмасди. Арзимас чойчака учун тиним билмасликка тўғри келарди. Лекин кўнгилни чўктирмай, жамоа ўртасида руҳий-маънавий иқлим яратишнинг ўзи бўлмасди. Бу борада собиқ жангчиларнинг алоҳида ўрни бор эди.

Урушгача алоқа корхоналарида ишлаган тошкентлик Вячеслав Сергеевич Луконин галабадан сўнг яна Алоқа вазирлигида иқтисодчи вазифасида узоқ йиллар самарали хизмат қилди. Соҳанинг ривожини учун кўп меҳнат сарфлади. У дастлаб бўлим бошлиги, вазирлик хайъатининг аъзоси, ажойиб дўст, юқори малакали мутахассис эди. Вячеслав Сергеевич нафақахўр бўлишига қарамай, ўзининг қимматли маслаҳатларини ҳозир ҳам ҳеч қимдан аямайди.

Юсуф Хошимович Муҳамедов урушгача ўзбеклардан биринчи бўлиб ҳозирги Санкт-Петербург электротехника алоқа олийгоҳини тугатиб, олий маълумотли муҳандис мутахассислигига эга бўлди. У урушда ҳам алоқа бўлимаси бошлиги сифатида жанг қилди. Юсуф Хошимович алоқачилар ҳақидаги воқеаларни бот-бот эсларди. У Қизил майдондаги Галаба парадини айниқса яхши хотирларди. Юсуф Муҳамедов жумҳуриятимиздаги бир қанча алоқа корхоналарида, жумладан, Алоқа вазири ўринбосари; Давлат алоқа лойиҳалаш олийгоҳи бошлиги каби лавозимларда меҳнат қилди. У кексайиб қолганида ҳам Хивадаги алоқа музейининг очилишида кўп жон куйдирди, алоқачиларнинг илмий-техник ишларида фаол қатнашди. Умрининг сўнгги дақиқаларигача Тошкент алоқа коллежиде дарс берди. У бир умр дўстлари хотирасида иктидорли раҳбар, самимий ва доно инсон сифатида муҳрланиб қолган.

Собиқ жангчи алоқачиларни эсламасликнинг сира-сира иложи йўқ. В. М. Затовенко, П. П. Лавринлар Ўзбекистон радио марказида бир неча йиллар ишлашган. Петр Лаврин батальон ротасида бошлик, Шағай Аҳмедович Клеблеев эса ўша батальоннинг штаб бошлиги вазифасида хизмат қилишган. Шағай Клеблеев кейинчалик ҳам алоқа соҳасида бир неча йил хизмат қилди. Фотих Сафоев эса урушда алоқа заводида раҳбар, урушдан сўнг Ўзбекистон радио кўмитаси бошлиги бўлиб ишлади. Василий Петрович Решетников Тошкент почтамтини бошқарди. Шундай қилиб, уруш қатнашчилари алоқа соҳаси тараққиети учун ўзларининг самарали меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшдилар.

А. КУДИНОВ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР, ШУНИНГДЕК ФУҚАРОЛАРГА ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ МАРКАЗИ ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН, ФАКСИМИЛ ВА ТЕЛЕВИЗИОН АЛОҚАЛАР БЎЙИЧА ЎЗ ХИЗМАТИНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ

Халқаро сўзлашув имкониятига эга бўлишингизда қуйидагилар воситачилик қилиши мумкин:

— автоматик телефон алоқаси,

— Марказий Телеграф биноси, 28-уйдаги ва Чилонзор туманининг 8-дахасидаги Катормол кўчаси 21-уйда жойлашган "Бахт" меҳмонхонасида очилган умумий сўзлашув пунктлари.

Шу билан бирга Тошкент Халқаро Электр Алоқаси Маркази (ТХЭАМ) махсус ажратилган телефон тармоғи ускунасини уйингизга ёки иш жойингизга ҳам ўрнатиб бера олади. Бу тармоқ дуненинг исталган нуқтаси, шунингдек, МДХ ва Республикамиз абонентлари билан сунъий йўлдош орқали юқори сифатли телефон алоқасини таъминлайди. Ушбу телефон тармоғи миқозлари халқаро фазовий алоқа станциясида бевосита улашчилари тўғридан тўғридан сифатли сўзлашув имкониятига эга бўлади. Агар сизнинг ташкилотингиз факсимил аппаратурага эга бўлса, ТХЭАМ бу ускунани ўрнатиш, қайд этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча хизматларни ўз зиммасига олади. ТХЭАМ бу ҳолатда халқаро телефаксининг телефончи орқали алоқа узатилишини таъминлайди. Бундан

ташқари, факсимил хабарларини сиз ТХЭАМнинг умумий тасарруфидаги пункти орқали узатишингиз ёки қабул қилиб олишингиз мумкин.

Шунингдек, миқозлар учун халқаро телефон ёки маълумотлар узатиш каналларини ижарага олиш имконияти ҳам мавжуд.

Халқаро алоқанинг таъминлини билан боғлиқ масалалар юзасидан қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Факсимил ускуналарни ўрнатиш ва ишлатиш — 44-23-09,

Махсус ажратилган телефон тармоғи — 44-22-67, Телевизион алоқа, каналлар ижараси бўйича — 44-22-67,

ТХЭАМ бошлиғининг қабулхонаси — 44-37-55.

Марказ қуйидаги манзилда жойлашган:

700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-уй.

Телефон: 44-37-55, факс: 44-26-03, телекс: 116108 РТВ.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ МАРКАЗИ

• Назм дафтаридан

СЎЗДАН ГУЛЛАР УНДИРАМАН...

Абдухалил ҚОРАБОЕВ
ЎЗИМ УНДИРГАН ГУЛ

Сўздан гуллар ундираман рангин-рангин, муаттар,
Сўздан нурлар яратаман юрагимни парчалаб,
Шамол каби елаётган лаҳзаларим бесамар —
Кетмасми деб шошаяпман музликларга ўт қалаб.
Сўздан ўқлар ясапман қотилларга касдма-қасд,
Наҳот ўзим ундирган гул қолаверса беनावо.
Наҳотки, шу... бир қўлга гул, бир қўлга ўқ тутқазиб,
Яшамокни ўргатса-я, инсонларга бу дуне?!

ОТАЛАР

Умр бўйи гавхарлар териб,
Йиққанини бизларга бериб.
Бир кун парча муздайин эриб
Ташлаб кетаверар оталар.

Ўғил-қизин камолдин кутиб,
Луқмасини уларга тутиб,
Ўзи эса тупугин ютиб
Ташлаб кетаверар оталар.

Бардош тўла бағрини ўйиб,
Ичдан тутаб, ичдан куйиб,
Тишларини тишига қўйиб,
Ташлаб кетаверар оталар.

Қўзларига сокинлик зоҳир,
Нафас олиб оғир ва оғир,
Юрагини чангаллаб оҳир
Ташлаб кетаверар оталар.

Паймоналар чирсиллаб тўлди,
Орау ўлди, туйгулар ўлди,
Имонларни ютмасак бўлди,
Ташлаб кетганида оталар.

МЕРОС

Ажабланманг, ўша-ўшаман,
Телба ирмоқ янглиг жўшаман.
Ўйлашиб даҳшатга тушаман,
Мендан нима қолар боламга.

Ўз-ўзимдан қоврилиб ўтдим,
Садоқатда соврилиб ўтдим.
Эътиқодда эврилиб ўтдим,
Мендан нима қолар боламга.

Отамдан-ку шўх уммон қолган,
Дилни ўртар хур армон қолган.
Тонгдай ёруғ, пок имон қолган
Мендан нима қолар боламга.

Муз устида учиб борарман,
Қулаб ўзни ерга қорарман,
Юракни-ку бир кун ерарман,
Мендан нима қолар боламга...

ОЛАМГА НИДО

Қўримсиз қишлоқнинг четида уйи,
Бахсларга қўл силтаб кетаверар жим.
Негадир безовта, нотинч фикр-ўйи,
Шу сирли дунегга интилар дилим.

Соқолин оқартирган қадрдон, ўқтам,
Далалар бағрига чакнайди кетади.
Гоҳо чорпогга енбошлаган дам,
Хаел суриб қолса, тонлар отади.

Футболдан гап очса кимдир тутақиб,
Хира кўзларида чакнайди хайрат.
Дуне шарҳларидан экранга боқиб,
Бош чайқаб невидир қилиб қўяр рад.

Сўз беринг, башарнинг шундай зотиға!
Дея қилгим келар оламга нидо.
Асримнинг бедаво жароҳатига,
Ажабмас, шу қалбдан топилса даво.

Осмонларда юлдуз эмас,
Чакнаб турган кўз қолар.
Имон сотмай айтган бўлсанг,
Дилдан чиққан сўз қолар.

— Зумраша! Яна қаяққа кетаяпсан?

— Ойижон, ўртоқларим билан анҳорга чўмилишга...

— Агар оқиб еки чўжиб кетсанг, уйга қайтиб келма, биддингми?!

...

Ёшгина жувон ишга жойлашиш учун бир корхонанинг қад-

ХАНДАЛАР

рлар бўлими бошлиғи билан учрашди.

Кадрлар бўлими бошлиғи жувондан:

— Сиз ҳисоб-китоб ишлари билан танишмисиз? — деб сўради.

— Йўқ, мен корхонангиз бошлиғи билан танишман, — бамайлихотир жавоб берди у.

...

Мижоз:

— Уста ака! Устарангиз ўткир экан?! Бошимни қирқдингиз шекилли? Қўрмаясизми, қон ҳам оқаяпти?

Сартарош:

— Жим ўтиринг! Боши қирқилган одам гапирмайди!

Абдуазиз ҲОШИМОВ
тайёрлаган



• УЙҒОНИШ

ОЙ БИЛАН ШИРИН

Ширин деган қиз шундай гўзал эдики, туғилиб балоғатга етгандан сўнг ҳуснининг таъбирифи бутун оламга ёйилган эди. Уша замонда дунё бўйича Ой ўзини чиройли санаб, Ер юзиде юрар экан. Ҳамма гўзалликда тенги йўқ деб Ойни мақтар экан. Ширин балоғатга етиб, гўзаллиги кундан-кун орта борғач, одамлар Ойни мақтамай, Шириннинг ҳуснини тилда дoston қилибдилар. Бунга Ойнинг рашки келиб: "Наҳотки, мен турганимда Ширинни мақтаса, Ширин билан мен ҳуснимизни ўлчашиб кўрайлик-чи, сўнгра мени ким эканимни билиб қўйсинлар", — дебди. Ширинни ўз қошига чақириб: "Сен ким у мен ким? Эл оғзиде сенинг ҳуснинг овозаси оламни тутаяпти. Кел, иккимиз ўзимизни тарозига солиб, тортиб кўрайлик-чи, ким чиройли бўлса, тарозидан маълум бўлади", — дебди. Ширин хижолат чекиб: — "Ҳуснида сиз зиёдадиз, қўйинг, мени уялтирманг. Мен ҳусни даъвосини қилмайман", — дебди. Бунга Ойнинг жаҳли чиқиб: "Сен ҳусни даъвосини қилмасанг ҳам гўё одамлар назариде сен мендан чиройли эмишсан. Бир тарозиде тортишиб синашмасак бўлмайди", — дебди. Ширинни кўярда-қўймай тарози олдига олиб борибди. Томошага халойиқ йиғилган экан. Ой мағрурланиб: "Мана Ширини мана мен, кўрарсизлар ҳозир, ҳуснида ким ғолиб экан?" — деб ялпайиб тарозининг палласига чиқиб олибди. Ширин уялиб, ноилож ўнг оёғини "бисмилло" деб тарозининг бўш палласига қўйган ҳам эканки, Ой лайлак бўлиб осмонга чиқиб кетибди. Хижолатдан Ой қайтиб ер юзиге тушолмай, шу-шу осмонда қолиб кетган экан.

МУАССИС: Ўзбекистон
Республикаси Алоқа
Вазирилик

Бош муҳаррир :
Шодмон ОТАБЕК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шўҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирнўлат МИРЗО

Рустам СОБИТ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Тоҳир РАҲИМОВ
Ёқубжон
ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ
ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
Билол АМИНОВ

Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳрух АКБАРОВ
Меҳмонқул
ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОННИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятга келган кўнўзмалар (2 оралликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулиятни муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0129. 12697 нусхада чоп этилди

Ўзбекистон Республикаси "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБ АА
КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА, 13

ЎзТВ 1

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" устaxonаси.
18.30 "Солик".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Ўстун". Телевизион журнал.
20.15 Оқшом эртaқлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Жахон жанговар санъатлари".
21.30 "Ўзбекистон бастакорлари". Тoлнбжон Содиқов.
22.35 — 23.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ 2

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Кўзумчоқ".
19.00 "Йулнинг бехатар бўлиши".
19.30 "Интилиш".
20.00 "Ташрифлар ва тақдирлар".
20.30 "Саломат бўлинг!".
21.10 — 21.55 Бевосита мулоқот.

ЎзТВ 3

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениси.
19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".

"ОМАД" таништиради:

20.30 "Совга".
21.00 "4/8". Муслик кўрсатуви.
21.15 Жахон географияси.
22.05 Эълонлар.
22.10 Видео—"О".
23.50 Эълонлар.
23.55 "Курьер".
00.15 "...яна об-хаво ҳақида".
00.25 "Постфактум".
00.35 — 00.55 Жахон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Хамманнинг тилида".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Кумуранг шар". Кўрсатуви В. Вульф олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 А. И. Солженицин билан учрашув.
21.55 "Ван Дамм, Ван Дамм...". В. Молчановнинг муаллифлик кўрсатуви.
22.35 — 22.45 "Спорт уик-энди".

СЕШАНБА, 14

ЎзТВ 1

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Шахар чеккасида". Бадий фильм.
10.20 "Одний кун". Телефильм.
10.30 Уқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 "Кашф этилган инқиловлар".
11.30 Уқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
12.00 "Болалар меҳмонхонаси".
12.30 "Ёшлик" студияси. "Эъзоз".
13.10 "Сўхат-саломатлик" почтасидан.
13.40 — 14.10 Камер куларидан концерт.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.
18.20 Болалар учун. "Кўнгиракча".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Адолат". Ҳуқуқий-публицистик кўрсатуви.
20.10 Оқшом эртaқлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ташаббус-94". Республика тадбиркорларининг П кўриқ-таълими якулларида бағишланган кўрсатуви ва концерт.
21.45 "Барҳаёт наволар". Ўзбекистон халқ артисти Эйтибор Жалилова.
22.35 — 23.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ 2

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультикарусель".
18.55 Хайвонот дунёсининг сирлари.
19.45 Янгиликлар.
19.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглири ва Эълонлар.
20.35 Видеоигла.
20.55 "Теле-ателье-шоу".
21.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглири ва Эълонлар.
21.45 "Кинонигоҳ".
23.25 — 23.45 Жахон янгиликлари

("Эй-Би-Си").

ЎзТВ 3

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениси.
19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Дилдан ўйнаб, яйра кувнаб".
20.25 "Бозор иқтисоднети сабоқлари".
20.55 "Дурларин" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 "Орлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
22.15 "Уммондан томчи".
22.50 "Бизнес-банк".
23.05 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишониси".
23.35 — 23.45 "Би-Би-Си" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Рус йўналиши".
18.30 "СБ жумбоги".
18.40 "Хужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Биз". В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Илк манбадан".
21.50 — 22.20 "Тол".

ЧОРШАНБА, 15

ЎзТВ 1

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Оқсело". Бадий фильм.
10.30 Уқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 "Жон кизлар, жонон кизлар". Концерт.
11.30 Уқув кўрсатуви. Давлат ва ҳуқуқ асослари.
12.00 "Ҳазалдон ешлагим".
12.40 "Алифбо сабоқлари".
13.10 — 15.10 "Биз танлаган йўл". Видеоанал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.
18.20 "Матрифат бегиши".
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Таниш чехралар". Кинокўрсатуви.
20.10 Оқшом эртaқлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ОЛДИДАН".
21.30 "Мухаммад Раҳимхон Феруз". Хужжатли фильм премьераси.
22.25 — 22.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ 2

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Дарста кўнгирак...".
19.15 "Муслик меҳмонхона".
20.15 "Шоҳсупа сари".
20.30 "Тошкент оқшомида".
21.30 — 23.10 "Кинематограф".

ЎзТВ 3

18.10 — 19.40 Туркия телевидениси.

19.40 "Мультикарусель".
19.50 "Мулоқот".
20.25 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
"ОМАД" таништиради:
21.15 — 00.15 "СПОРТ КИТАЪСИ".
"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 — 9.00 "Тонг".
18.00 Эфирда — Давлатлар-аро "Мир" телерадиокомпанияси.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Раҳманов.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 Галабанинг 50 йиллигига. "Брест геттоси". Телефильм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Мондог".
21.50 — 23.50 Кино асри. "Оила кенгаши". Бадий фильм (Франция, 1985 й.).

ПАЙШАНБА, 16

ЎзТВ 1

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
9.00 Буюк Галабанинг 50 йиллиги олдидан. "Онажон, мен тирикман". Бадий фильм.
10.05 Телефильм.
10.30 Уқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 "Қаболат".
11.30 Уқув кўрсатуви. Физика.

12.00 "Ёшлик" студияси "Мактубларингизни ўқиб...".
12.40 "Ёшлар ижоди". Салоҳиддин Нуралиев.
13.05 - 15.05 "Синов даври". Видеоанал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.
18.20 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Булоқлар кўз очганда".
19.40 "Мерос". Замаҳшарий.
20.10 Оқшом эртaқлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевиденисида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда—Навой вилояти.
21.40 Юнус Ражабий номидати мақом ансамблининг концерти.
22.20 "Театр учрашувлари".
23.20 — 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ 2

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" таквими.
18.35 "Жозоба".
18.55 "Бир шингил хангома".
19.05 "Ишнинг бароридан келсин".
19.40 "Теле-ателье-шоу".
19.50 Видео янгиликлари.
20.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглири ва Эълонлар.
21.05 "Кинонигоҳ".
22.45 — 23.05 Жахон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

ЎзТВ 3

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.40 — 19.40 Туркия телевидениси.
19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Бевосита мулоқот".
20.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
21.30 "Орлднет" телекомпаниясининг янгиликлари.
21.50 "Дурларин" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.50 — 23.30 "Муслик жилолар".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "...16 ешгача ва ундан катталар".
18.30 Мультифильм.
18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Вивьен Ли.
18.45 Янгиликлар.
19.00 "Тигиз пайт".
19.25 "Қадимий вулкон тизмаларида". Телевизион хужжатли фильм.
19.40 Футбол. Чемпионат лигаси. 1/4 финал. "Пари Сен-Жермен" (Франция) — "Барселона" (Испания). 1-тайм. Франциядан кўрсатилади.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 Футбол. Чемпионат лигаси. 1/4 финал. "Пари Сен-Жермен" (Франция) — "Барселона" (Испания). 2-тайм. Франциядан кўрсатилади.
22.30 — 22.50 "Москва, Кремль".

ЖУМА, 17

ЎзТВ 1

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Ўзбекистон—гуллар ўлкаси". Кинодастури.
9.40 Инглиз тили.
10.10 "Ёшлар билан юзма-юз".
10.50 "Ўзбекистон, Сиялар учун".
11.10 Схрипка тароналари. Марис Юнусовдан чалади.
11.40 "Вазият".
12.15 "Кирк хунар ҳам оғ".
12.45 — 13.20 "Адиб ижодхонасида". Одиб Ёкубов.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтоймиз — гижинтоймиз".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Нон тўғми".
19.40 "Санъат олами".
20.10 Оқшом эртaқлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ОЛДИДАН".
21.30 Кува тумани "Авор" ашула ва ракс халқ ансамблининг концерти.
22.05 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. "Алишер Навоий". Бадий фильм.
23.40 — 00.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ 2

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Фильмлар ва тақдирлар". Кинокўрсатуви.
19.10 "Учкун".
19.40 "Саломатлик — туман бойлик".
20.10 "Утмишсиз келажак йўқ".
20.40 "Вилло кўйтан яхши".
21.05 "Бу бўстон аро".
21.35 — 22.35 "Тошкентнома".

ЎзТВ 3

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.45 Туркия телевидениси.

19.45 "Мультикарусель".
20.00 "Ислоҳот ва масъулия".
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадий фильм.
"ОМАД" таништиради:
21.20 "Эм-Ти-Ви" оҳанглири ва Эълонлар.
21.30 "Панорама".
22.00 "Салом, ешлар!".
22.40 "Даракчи".
22.50 Эълонлар.
22.55 Видео—"О".
00.35 — 00.55 Жахон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".

18.00 "Инсон ва қону".
18.30 "50 йил муқаддам ушбу кунларда".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Муъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 "Время".
21.40 "Хафтанинг машхур кишиси".
22.00 — 23.05 "Детективлар клуби"да. "Машхур детективлар". Бадий фильм. 4-фильм — "Олти мурда" (Франция).

ШАНБА, 18

ЎзТВ 1

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Кувнок стартлар".
9.30 Т. Ҳасанов, Р. Азизхўжаев, Ҳ. Мухаммад. "Кувелар конкурси". Муҳимий номидати Ўзбек Давлат муслик театрининг спектакли.
11.30 "Сумалак". Телефильм.
11.45 "Ёшлик" студияси "Зие".
12.55 "Эл хизматида". Коммунал хизмат ходимларига бағишланган кўрсатуви ва концерт.
13.55 — 15.55 "Мазнавият" видеоанал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультифильм.
18.10 Болалар учун. "Умид учкунлари".
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Оламга саяхат". Кинокўрсатуви.
20.00 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртaқлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Офарин-94". Замонавий ўзбек эстрада санъати тавломи солибларининг концерти.
21.00 "Ёшлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
23.00 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
23.10 "Тунги егду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ 2

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультикарусель".
9.25 Хайвонот дунёсининг сирлари.
10.15 Янгиликлар.
10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглири ва Эълонлар.
11.05 Видеоигла.
11.25 "Теле-ателье-шоу".
11.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглири ва Эълонлар.
12.15 "Кинонигоҳ".
13.55 Жахон янгиликлари ("Эй-Би-Си").
14.15 — 18.30 "Спорт китъаси".
"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Табассум".
19.10 "Антенна".
19.40 "Тулъ".
19.55 "Акс-садо".
20.25 "Менинг кўчам".
20.40 "Эсдалик учун дастхат".
21.05 "Гладиаторлар". Спорт шоу дастуви.
21.45 "Кинематограф".
23.25 — 23.30 "Хотима".

ЎзТВ 3

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Салом, Франция".
10.30 "Чинсэн".
11.10 — 11.40 "Серенада". Қиска мет-ражида телевизион бадий фильм.
18.10 — 19.40 Туркия телевидениси.

19.40 "Мультикарусель".
19.55 "Колумб кашф этган диер".
20.45 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
21.10 "Ўзбекистон. ҳамкорлик йўлидан".
21.45 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.15 "Бу ажиб дунё".
22.15 — 22.25 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

18.00 "Ақли болалар ва оқила кизлар".
18.55 "Бешиччи сайера". Ахборот-публицистик кўрсатуви.
19.45 "Бешиччи бурчак". Телесериал. 6-серия (АҚШ. "Коламбия пикчерс").
22.30 — 23.10 "Энивий Гердт хикоя қилади...". Жаҳил кўрсатуви.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Ақли болалар ва оқила кизлар".
18.55 "Бешиччи сайера". Ахборот-публицистик кўрсатуви.
19.45 "Бешиччи бурчак". Телесериал. 6-серия (АҚШ. "Коламбия пикчерс").
22.30 — 23.10 "Энивий Гердт хикоя қилади...". Жаҳил кўрсатуви.

ЯКШАНБА, 19

ЎзТВ 1

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Яшил чироқ".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 Халқ севган достонлар. "Кунтуғмиш". Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов ижро этади.
11.30 "Шоҳрух" клуби.
12.00 "Сирли сандиқ". Телевизион ўйин.
12.50 "Актёрлар ва роллар". Тўти Юсупова.
13.50 — 15.50 "Кичкинтой" видеоанал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультифильмлар дастури.
18.20 "Кўшигим, жон кўшигим".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Хафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Ойнан жаҳонда...".
19.55 "Тасвир". Кинокўрсатуви.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Хафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 Дам олиш концерти.
21.45 "Энг жозибали, энг лафотли киз". Бадий фильм.
23.10 — 23.40 "Хафтанома".

ЎзТВ 2

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Омад" таквими.
9.05 "Жозоба".
9.25 "Бир шингил хангома".
9.35 "Ишнинг бароридан келсин".
9.50 "Муҳаббатта ошно қалблар".
10.10 "Теле-ателье-шоу".
10.20 Видео янгиликлари.
10.45 Янгиликлар.
11.35 "Кинонигоҳ".
13.15 — 13.55 Жахон янгиликлари ("Эй-Би-Си").

17.00 "Совга".
17.30 "4/8". Муслик кўрсатуви.
17.50 Жахон географияси.
18.45 Эълонлар.
18.50 Видео—"О".
20.30 Эълонлар.
20.35 "Курьер".
20.55 "...яна об-хаво ҳақида".
21.05 "Постфактум".
21.15 Жахон янгиликлари ("Эй-Би-Си").
21.35 "Автоқуб".
21.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглири ва Эълонлар.
22.05 "Панорама".
22.35 "Даракчи".
22.45 Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео—"О".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Мультифильм.
9.40 "Олтин атирқул" гори. Телевизион бадий фильм. 8-серия.
10.30 "Коллекция".
11.05 "Менинг кўчам".
11.05 "Муслик саяхат".
11.20 "Хонадонингизга тинчлик-хотир-жаҳлик".
12.20 "Кинематограф".
14.00 — 14.10 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).

18.10 — 19.40 Туркия телевидениси.

19.40 "Ёшлик" оқшоми.
20.20 "Дурларин" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
21.45 "Ўзбекистон бунёдкорлари".
22.15 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.25 "Муслик саяхат".
22.55 "Бу ажиб дунё".
23.15 — 23.25 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.20 Янгиликлар.
18.30 "Хунарли хор бўлмади".
18.35 "Уоли қарда?" "Чинманларнинг сарғушларлари". Мультифильмлар (АҚШ).
19.30 "Эй йўллар, фронт йўллари...".
19.40 "Бугун Россия".
20.20 Луи де Фюнес "Муалатилган" бадий фильмида (Франция, 1969 й.).
22.00 — 22.50 "Якшаанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

["Тошкентдан гапирман ва кўрсатаман" теледастуридан олинди].